

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2020 йил февраль ойининг 27 кунда жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи О.Хасанов, К.Рўзиқулованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фурқат туман прокурор ўринбосари А.Мўминов, судланувчи Ж.Валиев ва жабрланувчи Х.Хамдамоваларнинг иштирокида, Валиев Жавлонбек Хамдамовичга нисбатан 1-1519-2001/4-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Валиев Жавлонбек Хамдамович 1972 йил 6 февралда Қўштепа туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, турмушидан ажрашган, бир нафар фарзанди бор, муқаддам;

- 1) жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2013 йил 5 апрель кунги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашганлиги муносабати билан тугатилган,
- 2) жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 29.12.2016 йил кунги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 2 ой қамоқ жазоси тайинланиб, 2016 йил 12 октябрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғриси”даги қарорининг 2-бандини қўллаб, тайинланган жазодан озод қилинган, Фурқат тумани, Шунқор МФЙ, Ғирри қишлоғида яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2020 йил 20 январь кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов далолатномаси нусхасини 24.01.2020 йил кuni олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб,



прокурорнинг музокара, судланувчининг ҳимоя, музокара ва охириги сўзларини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ж.Валиевдан фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2006 йил 27 июндаги суд буйруғига асосан ундирувчи Х.Хамдамова фойдасига 14.02.2005 йилда туғилган Т.Субхонованинг моддий таъминоти учун 26.06.2016 йилдан то фарзанди вояга етгунига қадар ҳар қандай топган даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент тўлаши лозимлигини аниқ билгани ҳолда, 2017 йил 1 январь ойдан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун 2019 йил 13 мартдаги Фурқат туман маъмурий суд судьясининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида бир неча бор ижро бўлимига чақиртирилиб, алимент пулларини ўз вақтида тўлаб бориши тушунтирилиб, қайта-қайта огоҳлантирилишига қарамасдан, 2019 йил мартдан 2019 йил 1 декабрга қадар 8 ой давомида тўламаслиги натижасида, алимент қарздорлиги 3.545.640 сўм алимент пулларини тўламасдан, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келгани аниқланди.

Судланувчи Ж.Валиев судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у 2003 йилда Х.Хамдамова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қургани ва турмушлари давомида 14.02.2005 йилда бир нафар фарзандли бўлиб, Субхонова Табассумхон исм беришгани, у турмуш ўртоғи билан 2006 йилга қадар бирга яшаб, кейин ўзаро келишмовчилик натижасида ажралиб кетишгани ва собиқ турмуш ўртоғи Х.Хамдамова вояга етмаган қизи Т.Субхоновани ҳам ўзи билан олиб кетгани, шундан сўнг Х.Хамдамова фарзандининг моддий таъминоти учун судга бергани ва фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2006 йил 27 июндаги буйруғига асосан, ундан вояга етмаган фарзанди учун Х.Хамдамовага ҳар қандай даромадининг 1/4 қисми миқдори алимент ундириш белгилангани, уни мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиси томонидан бир неча маротаба алимент пулларни тўлашлик, агарда тўламаса маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжудлиги ҳақида оғзаки ва ёзма равишда расман огоҳлантирилгани, шундан сўнг унга нисбатан давлат ижрочиси томонидан 2017 йил январь ойдан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлагани учун маъмурий материал тайёрланиб, судга тақдим этилгани ва унга Фурқат туман маъмурий суди судьяси томонидан 2019 йил 13 март кунги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, шундан кейин ҳам у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани ва қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида давлат ижрочиси томонидан чақиртирилиб, алимент пулларини ўз вақтида тўлаб бориши тушунтирилиб,



кайта-кайта огоҳлантирилгани, бироқ алимент пулларини тўлашга имкони йўқлигини тушунтириб келгани, 2019 йил 1 мартдан 2019 йил 1 декабрга қадар вояга етмаган фарзанди учун 9 ой давомида тўлаши лозим бўлган, жами 3.545.640 сўм алимент пулини тўлашга имкони бўлмагани, у мажбурий ижро бюроси Фурқат туман бўлими давлат ижрочисига Жиззах вилояти Арнасой туманида жойлашган акаларига тегишли бўлган “Қўқон куёши” фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб келишини айтган бўлса-да, давлат ижрочиси томонидан алимент пулини иш ҳақидан ҳисобламасдан барча даромадларини 1/4 қисми, яъни 486.955 сўмдан ҳисоблаб хатоликка йўл қўйганини, ҳозирда у содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгида пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, қарамоғида яна фарзанди борлигини инобатга олиб, қонун доирасида енгиллик беришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Жабрланувчи Х.Хамдамова судда, у 2003 йил ноябрь ойида Фурқат тумани, Ғирри қишлоғида яшовчи Ж.Валиевга турмушга чиққани ва турмушлари давомида 14.02.2006 йилда бир нафар Субхонова Табассумхон исмли фарзанд кўргани, у турмуш ўртоғи Ж.Валиев билан 2006 йилга қадар бирга яшагани, кейин ўзаро келишмовчилик натижасида ажрашиб кетгани, у 2006 йилда бир нафар фарзандига алимент ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судга ариза билан мурожаат қилгани ва суднинг 27.06.2006 йилдаги буйруғига асосан турмуш ўртоғи Ж.Валиевдан унинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун фарзанди вояга етгунга қадар ҳар қандай даромадининг 1/4 қисми миқдори алимент ундириш белгилангани, турмуш ўртоғи Ж.Валиев суд буйруғига асосан тўлаши лозим бўлган алимент пулидан арзимас қисмини тўлаб юргани, шу тариқа Ж.Валиев алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келгани, у бу ҳақида мажбурий ижро бюросининг Фурқат туман бўлими давлат ижрочисига бир неча маротаба мурожаат қилгани, лекин улар ҳам Ж.Валиевдан алимент пулларидан қисман ундириб бергани, шундан сўнг Ж.Валиевга нисбатан давлат ижрочиси томонидан 2017 йил январь ойидан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун маъмурий материал тайёрлаиб, судга тақдим этилгани ва Фурқат туман маъмурий суди судьяси томонидан 2019 йил 13 март кунги қарорига асосан турмуш ўртоғига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, шундан кейин ҳам Ж.Валиев бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани ва қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилишини билгани ҳолда алимент пулларини ўз вақтида тўламасдан келаётгани, Ж.Валиев у Ж.Валиевни бундан аввал ҳам алиментдан бўлган қарздорлиги учун кўзғатилган жиноят ишлари бўйича бир марта ярашувга ариза ёзиб бергани, кейингисида амнистия билан жазодан қутилиб қолгани, энди бундай қилмаслигини, у ва вояга етмаган фарзанди ижарада туришини, фарзанди учун кийим-кечак олиши зарур эканини айтиб, Ж.Валиев 2019 йил мартдан 2019 йил 1 декабрга қадар тўлаши лозим бўлган, жами 3.545.640 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келаётгани



сабабли ушбу пулларни судланувчи Ж.Валиевдан ундириб беришни ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ М.Давидов судда, у мажбурий ижро буюроси Фурқат туман бўлимида давлат ижрочиси вазифасида ишлашини, унинг хизмат вазифасига ҳудуд бўйича бириктирилган маҳалла, қишлоқ ва кўчаларда яшовчи қарздорлардан, ҳуқуқбузар ва судланувчиларга нисбатан иш юритувидаги ижро ҳужжати бўйича мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бориш кириши, унинг иш юритувида 2017 йил 30 июнь кунидан фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 27.06.2006 йилдаги қарорига асосан Ж.Валиевдан унинг турмуш ўртоғи Х.Хамдамова фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун фарзанди вояга етгунга қадар ҳар қандай даромадининг 1/4 қисми миқдори алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати келиб тушгани, у ижро ҳужжати билан танишганида Ж.Валиев бир неча йиллардан буён вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келаётганини билиб, Ж.Валиевни алимент тўловларини ихтиёрий тўлатиш мақсадида чақириб, алиментдан бўлган қарздорликни ўз вақтида тўлаб бориш, акс ҳолда, яъни алимент пулларини 2 ойдан ортиқ вақт давомида тўлашдан бўйин товласа, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида бир неча маротаба расман огоҳлантиргани, лекин Ж.Валиев вояга етмаган фарзандидан умуман хабар олмагани, моддий томондан ёрдам ҳам бермагани, суд қарорига асосан тўлаши лозим бўлган алимент пулидан арзимас қисмини тўлаб юргани, шу тариқа Ж.Валиев алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келгани, шундан сўнг у Ж.Валиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47⁴-моддаси бўйича моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламагани сабабли маъмурий материалларни тўплаб, 2017 йил январь ойидан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун маъмурий материални судга тақдим этгани ва Фурқат туман маъмурий суди судьясининг 2019 йил 13 март кунги қарорига асосан Ж.Валиевга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, шундан кейин ҳам у Ж.Валиев билан алимент пулларини ўз вақтида тўлаб бориш, агарда тўламаса жиноят тиши кўзғатилиши мумкинлиги ҳақида бир неча маротаба огоҳлантиргани, бироқ Ж.Валиев бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани ва қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилиши билгани ҳолда алимент пулларини ўз вақтида тўлмасдан келаётгани, Ж.Валиев 2019 йил 1 мартдан 2019 йил 1 декабрга қадар вояга етмаган фарзанди учун 9 ой давомида тўлаши лозим бўлган, жами 3.545.640 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келганини, ҳозирда Ж.Валиев Жиззах вилояти Арнасой туманида жойлашган акаларига тегишли бўлган “Қўқон қуёши” фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб келиши ҳақида унга бирор марта айтмагани, шу сабабли ҳам у алимент пулини ҳисоблашда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро



этиш тўғрисида” ги 258-II-сони қонуннинг 70-моддаси ва Оила кодексининг 99 ва 140-моддаларига, яъни ушбу Кодекснинг 99-моддасига асосан вояга етмаган болаларга тўланадиган алимент қарзининг миқдори алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади миқдоридан келиб чиққан ҳолда алимент ундирилмаган вақт учун ҳисоблаб чиқилади. Агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда алимент Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади” деган қонуний талабларга амал қилиб, Ж.Валиевнинг барча даромадларини 1/4 қисми, яъни 486.955 сўмдан ҳисоблагани, бундан ташқари у Ж.Валиевга туманда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида бир нечта иш жойини тақлиф қилгани, шу вақтда ҳам Ж.Валиев Жиззах вилоятида ишлаётгани ҳақида айтмагани, у Ж.Валиевнинг паспорт серияси бўйича “Қўқон қуёши” фермер хўжалигида ишлашини Ўзбекистон Республикаси МИБ портали баъзасидан текшириб кўрганида Ж.Валиевнинг иш жойи “Қўқон қуёши” фермер хўжалиги кўрсатилган бўлса-да, лекин Ж.Валиевнинг иш ҳақидан даромад солиғи ва халқ банкига 1 фоизлик пенсионний фонд учун тўлов ундирилмагани аниқлангани, шу сабабли ҳам у Арнасой туман ДСИнинг 24.02.2020 йилдаги 14-01149-сони маълумотни ишончга сазовор деб бўлмаслигини ва у Ж.Валиевнинг алимент қарзини Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб тўғри хулосага келганини билдирди.

Гувоҳ М.Юлдашев судда, у Фурқат туман “Шунқор” маҳалла фуқаролар йиғинида раиси вазифасида ишлашини, ҳақиқатдан ҳам у Ғирри қишлоғида яшовчи Ж.Валиевни яхши танишини, у ушбу маҳаллага раис лавозимида тайинланганидан сўнг Ж.Валиев ва унинг турмуш ўртоғи Х.Хамдамова билан оилавий келишмовчилик оқибатида ажрашиб кетганидан хабар топгани, у маҳалла фаоллари ва профилактика инспектори билан бирга бир неча бор Ж.Валиевга алимент пулларини белгиланган тартибда тўлаб юриш ҳақида айтиб келгани, Ж.Валиев ҳозирга қадар унда ишсизлар рўйхатида туришини, у Ж.Валиевни Жиззах вилоятида ишлаётганидан умуман хабари бўлмагани, Ж.Валиевнинг оилавий шароити оғирлигини билдирди.

Қўшимча гувоҳ Н.Эргашев судда, судланувчи Ж.Валиев унинг укаси бўлишини ва Жиззах вилояти Арнасой туманида жойлашган ўғлининг “Қўқон қуёши” фермер хўжалигида иш юритувчи бўлиб ишлашини, ҳақиқатдан ҳам укаси Ж.Валиев ушбу фермер хўжалигида қонуний тартибда ишлашини, укаси Ж.Валиев бир нафар вояга етмаган фарзанди учун собиқ турмуш ўртоғи Х.Хамдамовага нафақа тўлаб келишини билгани, бироқ у укасини ушбу фермер хўжалигида ишлаши ҳақида мажбурий ижро бюроси Фурқат туман бўлими ходимларини хабари бўлганини аниқ билмаслиги ва укасининг иш ҳақидан алимент учун нафақа пули ўтказилмаслигини, бу ҳақида талабнома бўлмагани сабабли ҳам нафақа пули ўтказилмаслигини, МИБ портал базасида ва Фурқат туман ДСИда Ж.Валиевнинг иш жойи



хақидаги маълумотлар кўринмаслигини, бунинг учун аслида ушбу фермер хўжалиги учун берилган “клуч”дан фойдаланилишини, у Ж.Валиевнинг ишлашаган иш ҳақини тўлов ведимости асосида берилмаслигини, яъни улар укасига иш ҳақини нақд пул шаклида беришни, укаси яшаш уйи бўлган Фурқат туманига келган пайтларда унинг ўрнига ёлланма ишчи кучидан фойдаланилишини, бироқ шундай бўлса ҳам Ж.Валиевга иш ҳақи ёзилганини билдирди.

Суд, судланувчи Ж.Валиевнинг мажбурий ижро бюроси Фурқат туман бўлими давлат ижрочисига Жиззах вилояти Арнасой туманида жойлашган акаларига тегишли бўлган “Қўқон қуёши” фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб келишини айтган бўлса-да, давлат ижрочиси томонидан алимент пулини иш ҳақидан ҳисобламасдан барча даромадларини 1/4 қисми, яъни 486.955 сўмдан ҳисоблаб хатоликка йўл қўйгани ҳақидаги важини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги 258-II-сонли қонуннинг 70-моддаси ва Оила кодексининг 99 ва 140-моддаларидан келиб чиқиб, гувоҳ М.Давидовнинг юқорида қайд қилинган кўрсатмаси билан рад қилишни ва жиноий жавобгарликдан қутилиш мақсадида келтирилган важи деб баҳолашни лозим топди.

Судланувчи Ж.Валиевнинг жиноий қилмиши унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган суддаги кўрсатмасидан ташқари, жабрланувчи Х.Хамдамова, гувоҳ М.Давидов ва М.Юлдашевлар, қўшимча гувоҳ Н.Эргашевнинг юқорида қайд қилинган суддаги кўрсатувлари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2006 йил 27 июнь кунги қарздор Ж.Валиевдан ундирувчи Х.Хамдамова фойдасига бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун вояга етгунга қадар ҳар қандай топган даромадининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилиши ҳақидаги суд бўйруғи ва ушбу қарор ижросига доир ҳужжатлар, Х.Хамдамованинг жиноят ишига қўшилган тилхатлари, расмий огохлантириш хатлари, қарздорнинг мол-мулкини аниқлаш бўйича олиб борилган ёзишмалар, Фурқат туман маъмурий судининг 2019 йил 13 март кунги қарори, алимент қарзини қайта ҳисоблаш қарори ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Судланувчи Ж.Валиевнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи Ж.Валиев фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2006 йил 27 июндаги суд буйруғига асосан Х.Хамдамовага бир нафар вояга етмаган фарзанди учун алимент тўлашини билгани ҳолда 2017 йил январь ойидан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлагани учун 2019 йил 13 мартдаги Фурқат туман маъмурий суд судининг қарорига асосан 15 сутка маъмурий камоқ жазоси тайинланганидан сўнг, ундирилиши лозим бўлган маблағни, жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида, 2019 йил апрелдан 2019 йил 1 декабрга қадар 8 ой давомида, жами 3.545.640 сўм



алимент пуллари тўламасдан, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас” деб, 9-моддасида “Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади” деб ҳамда ЖПКнинг 22-моддасида “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт” деб, 23-моддасида “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” деб кўрсатилган.

Суриштирув органи томонидан Ж.Валиевга нисбатан айб эълон қилишда унинг маъмурий жавобгарликка тортилган давригача бўлган алимент суммалари ҳам қўшиб ҳисобланиб, нотўғри ҳулосага келинган.

Чунки, судланувчи Ж.Валиев фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2006 йил 27 июндаги суд буйруғига асосан ундирувчи Х.Хамдамова фойдасига 14.02.2005 йилда туғилган Т.Субхонованинг моддий таъминоти учун 14.02.2005 йилдан то фарзанди вояга етгунига қадар ҳар қандай топган даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлиб, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан икки ойдан ортиқ вақт давомида, яъни 2017 йил январь ойидан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлагани учун 2019 йил 13 мартдаги Фурқат туман маъмурий судининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 47⁴-моддасининг 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Юқоридагиларга кўра, суд Ж.Валиевнинг айб эпизодидан 2017 йил январь ойидан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алиментдан қарздорлик суммасини чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва



оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи Ж.Валиевга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, айбига иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароити оғирлигини, жиноят натижасида етказилган моддий зарар қопланмагани, жабрланувчининг озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ва зарарни ундириш ҳақидаги талабини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганини инобатга олиб, ЖКнинг махсус қисми моддаси санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва жабрланувчи Х.Хамдамова фойдасига ушбу жиноят натижасида етказилган 3.545.640 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Валиев Жавлонбек Хамдамович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ж.Валиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2020 йил 20 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Валиевга нисбатан қўлланган қамоқ эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунча аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ж.Валиевдан жабрланувчи Х.Хамдамова фойдасига 3.545.640 (уч миллион беш юз қирқ беш минг олти юз қирқ) сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи; имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Фуркат туман судининг раиси

О.Хасанов

